

Узбекистон миллий телерадиокомпаниясининг тоифаланган ҳамда тоифаланмаган объектларини Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармасининг Шайхонтохур ва Яшнабод туман қўриқлаш бўлимлари шахсий таркиби билан қўриқлаш тўғрисида

ШАРТНОМА № 10344-М

«05» 01 2022 йил

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси номидан «Низом» асосида фаолият юритувчи, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҚББ Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси бошлиғи Қ.А.Шодибеков (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, «Низом» асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Раиси А.Д.Хаджаев (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) иккинчи томондан, «ўта муҳим тоифадаги ва тоифаланмаган объектларни қўриқлашни ташкил этиш бўйича ташкилотларо ҳайъат Далолатнома»си ижросини таъминлаш максадида қўйидагилар хақида мазкур шартномани туздилар:

1.Шартнома предмети

1.1. Ушбу шартнома шартларига мувофиқ, «Ижрочи» Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва унинг корхоналарига тегишли бўлган ҳудудда қўриқлашни қўйидаги манзиллар буйича амалга оширади:

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 69 уйда жойлашган МТРК тегишли бўлган ҳудудида 4 та тоифаланмаган (4 та 24 соатли) жами 4 та постлари орқали, «Respublika teleradiomarkazi» ДМ ўта муҳим тоифали обьект бўлиб 8 та тоифаланган ва 1 та тоифаланмаган (6 та 24 соатли, 1 та 12 соатли, 1 та 8 соатли, 1 та 24 соатли) жами 9 та постлари орқали, Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси Шайхонтохур туман қўриқлаш бўлими 5-отряд сафдор-ходимлари томонидан қўриқлаш амалга оширилади.

Тошкент шаҳар Яшнабод тумани, Махтумқули кўчаси, 49 уйда жойлашган Тошкент Радио эшиттириш уйи ўта муҳим тоифали обьект бўлиб 5 та тоифаланган (5 та 24 соатли) жами 5 та постлари орқали, Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси Яшнабод туман қўриқлаш бўлими 2-отряд сафдор-ходимлари томонидан қўриқлаш амалга оширилади.

Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Олмазор кўчаси, 2-уйда жойлашган «O'zbekiston MTRK MEDIAMARKAZI» ДМ ўта муҳим тоифали обьект бўлиб 6 та тоифаланган (5 та 24 соатли, 1 та 12 соатли) жами 6 та постлари орқали, Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси Шайхонтохур туман қўриқлаш бўлими 5-отряд сафдор-ходимлари томонидан қўриқлаш амалга оширилади.

Манзилларига қарашли ҳудудлар, шунингдек ушбу ҳудудларда жойлашган барча бино обьектларни (кейинги ўринларда «объектлар» деб юритилади) қўриқловга олиш ва мудофаасини амалга ошириш учун обьектларда жами 16 та 24 соатлик, 2 та 12 соатлик ва 1 та 8 соатлик тоифаланган, 5 та тоифаланмаган, (ҳаммаси бўлиб 24 та) сафдор-ходим пости билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Объектларни «Ижрочи» учун кўшимча сафдор-ходим постини ташкил этиш ёки уни камайтириш масаласи томонларнинг ўзаро келишувлари асосида амалга оширилади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:



05.01.2022
05.01.2022

2.1. «ИЖРОЧИ»НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ :

2.1.1. Кўриқлаш хизмати амалдаги хизмат «Кўлланма»си талаблари асосида обьектларни ишончли қўриқлашни, шунингдек мудофаасини ташкил этилишини амалга оширади.

2.1.2. Сафдор-ходим постларини «Ижрочи» ва «Буюртмачи» ўртасида ташкил этилган ҳайъат аъзолари томонидан тузилган далолатномада кайд этилган шахсий таркиб билан таъминлайди ва хизматни ушбу далолатнома асосида ишлаб чиқилган «Постлар жойлашуви» тузилмасига мувофиқ ташкил этади.

2.1.3. Назорат - ўтказиш пунктларида (НЎП) обьектлар ҳудудига ходимлар ва бошқа фуқороларнинг кириб-чиқишилари тартибини «Буюртмачи» томонидан жорий этилган ва «Ижрочи» хизмати томонидан тасдиқланган (келишилган) ички йўриқномага асосан таъминлайди.

2.1.4. «Ижрочи» Буюртмачи томонидан хизмат давомида фойдаланиш учун ажратилган асбоб-анжом, техник мослама, телефон аппаратлари, оргтехника мосламалари, хизмат хоналари, улардаги мебелларнинг ва бошқа жиҳозларнинг бутлигини ҳамда улардан эҳтиёткорлик билан фойдаланишни таъминлайди.

2.1.5. «Ижрочи» томонидан қўриқловга қабул қилинган бинолар, ҚЁТ воситалари билан жиҳозланган ва пультга топширилган хизмат хоналари, ҳамда бошқа обьектларига турли сабабларга (форс-мажор ҳолатларидан ташқари) кўра зарар етказилган тақдирда, ушбу зарарни етказилишида «Ижрочи»нинг айбордорлиги конуний йўл билан тасдиқланса, «Ижрочи» амалдаги қонунларга асосан етказилган моддий зарарни қоплади.

2.1.6. «Ижрочи»га ажратилган хизмат хоналарини, обьектда ўрнатилган ҚЁТ воситаларини, инженер техник ва мудофаа обьектларини, алоқа воситалари ҳамда ёритиш мосламаларини таъмирлаш юзасидан «Буюртмачи» раҳбарларига ўз вақтида ёзма равища мурожаат этади.

2.1.7. Кўриқлаш хизмати раҳбарлари сафдор-ходим постларида шахсий таркиб хизматини ташкил этади ва уни олиб борилишини назорат қиласди.

2.1.8. Кўриқловдаги обьектлар ҳудудида ходимлар ҳамда фуқаролар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ва қонунбузарлик ҳолатлари бўйича айбордларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига асосан чора кўради.

2.1.9. Объектлар ҳудудига кириш, чиқиш ва ички режим, бинолар ва ҳудудни кўриқлашни ташкил этишга оид «Йўриқнома» ва унинг талабларини барча ходимлар томонидан бажарилишини назорат қиласди.

2.2. «БУЮРТМАЧИ»НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

2.2.1. Кўриқлов хизматига жалб этилган ходимларнинг хизмат эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия ҚББнинг низомларида кўзда тутилган талабларга мувофиқ хизмат хоналари ажратади.

2.2.2. Объектлардаги ходимларнинг хизмат хоналари ҳамда 1-постни шаҳар телефон тармоғи ва ички (тўғридан-тўғри) алоқа воситаси билан таъминлайди. Қолган сафдор-ходим постлари учун ички алоқа воситаси ажратади ҳамда постларни лозим бўлган анжомлар ва иситиш мосламалари билан жиҳозлайди.

2.2.3.Объектлар ҳудудида таъмирлаш ишлари ёки бошқа тадбирлар

утказиш вақтида, қўшимча постлар қўйилиши лозим бўлган тақдирда, «Буюртмачи» маъмурияти бу ҳақда «Ижрочи»га 15 кун аввал қўшимча постлар ташкил этиши учун вактинча шартнома тузиш юзасидан мурожаат этади.



2.2.4. Қўриқлаш хизмати билан келишилган ҳолда хизмат вазифалари «Йўриқнома»сини ишлаб чиқади.

2.2.5. «Ижрочи» ва «Буюртмачи» масъул ходимлари билан биргаликда обьектларнинг техник мустаҳкамлигини текшириш натижалари бўйича тузилган ва мазкур шартноманинг ажралмас қисми хисобланган «Далолатномада» қайд этилган камчиликларни белгиланган муддатларда бартараф этади.

2.2.6. Телефон алоқалари, қўриқлаш мосламалари ва ёнғиндан хабар берувчи техник воситалар уланган электр тармоқларининг талабга жавоб берадиган ва техник жихатдан соз бўлиши учун уларни ўз вақтида техник кўриқдан ўтказади ва таъмирлайди.

2.2.7. Фавкулодда вазиятларда шахсий таркиб хизматини ташкил этиш эҳтиёжлари учун автотранспорт воситаларини ажратади ва лозим бўлган вазиятларда оммавий кирғин қуролларидан сақланиш учун фуқоро муҳофазасини таъминлаш мақсадида обьектлардан жой ажратади.

2.2.8. Объектлар худуди ва унинг атрофини тунги вақтда электр чироқлари билан етарли даражада ёритидишини таъминлайди.

2.2.9. Объектларга чет эл ҳукумат делегациялари ҳамда нуфузли меҳмонларнинг ташриф этиш вақтлари хақида «Ижрочи» хизмати раҳбариятига олдиндан хабар беради.

2.2.10. Пост хоналари, «Ижрочи» хизматига ажратилган хизмат хоналари, улардаги мебель ва жиҳозларни, ҚЁТ воситаларини, инженер техник ва мудофаа обьектларини, алоқа воситалари ҳамда ёритиш мосламаларини таъмирлаш ишларини бажаради.

2.2.11. Қўриқловга топшириладиган хона ва омборхоналарнинг жойлашуви ўзгаргани хақида «Ижрочи»ни дарҳол хабардор этади.

3. ШАРТНОМАНИНГ ҚИЙМАТИ ВА ХИСОБ - КИТОБ ШАРТЛАРИ

3.1. «Буюртмачи» Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг тоифаланган ва тоифаланмаган обьектларининг мазкур шартноманинг 1.1.бандида кўрсатилган ишончли қўриқлови ва мудофааси учун ташкил этилган 16 та 24 соатлик тоифаланган, 5 та тоифаланмаган, 2 та 12 соатлик ва 1 та 8 соатлик (ҳаммаси бўлиб 24 та) сафдор-ходим постлари учун 2022 йил 1 январь кунидан 31 март кунига қадар 3 (уч) ойлик харажатлар 3 996 703 193 (Уч миллиард тўққиз юз тўқсон олти миллион етти юз уч минг бир юз тўқсон уч) сўм-10 тийинни ташкил этади.

Эслатма: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига асосан ойлик маошлар оширилганда, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги билан келишилган ҳолда, тақдим этилган тарифларга кўра, мазкур Фармон кучга кирган кундан бошлаб маошларини ошириш, сафдор-ходимларнинг ойлик маошлари ҳамда бошқа харажатлар нарҳи оширилганда ёки камайганда шартноманинг тўлов-хисоби қайтадан кўриб чиқилади ва шунга мувофиқ тўловлар амалга оширилади.

3.2. «Ижрочи»нинг хизмати учун хисоб-китоблар мазкур шартнома асосида ҳар ойда бажарилган ишлар хақидаги «Буюртмачи»нинг муҳофаза хизмати бўлими ва раҳбарияти томонидан тасдиқланган далолатнома ва тақдим этилган хисоб варакаси бўйича амалга оширилади.

3.3. Жорий ой учун тўлов ушбу ойнинг 10-санасигача ойлик тўлов қийматининг 100 % (фоизи) миқдоридаги «Ижрочи»нинг хисоб ракамига пул утказиш йўли билан амалга оширилади.



Қолган ҳар ойлик тўловнинг 100 % (фоизи) келгуси ойнинг 10-санасигача тегишилиги бўйича имзоланадиган ҳисоб варақаси (счёт-фактура) бўйича «Ижрочи» ҳисобига ўтказилади.

Ушбу бандда кўрсатилган маблағлар тегишилиги бўйича молиялаштириш очилгандан сўнг «Буюртмачи» томонидан «Ижрочи» ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1. «Буюртмачи»нинг шартнома асосида қўриқловга топширилган бинолари, хизмат хоналари ва бошқа объектлар дахлсизлигини таъминлаш жараёнида зарар етказилган тақдирда «Ижрочи» Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ўрнатилган тартибда жавобгар бўлади.

4.2. Қўриқлананаётган объектларнинг раҳбарлари ва муҳофаза хизмати ходимлари «Ижрочи» хизмати вакилларини жалб қўйган ҳолда ўтказилган текширув вактида, қўриқловдаги объектлар худудида маҳсус руҳсатномаси бўлмаган шахслар, шахсий ва бегона транспорт воситаларини шунингдек, сафдор-ходимнинг хизмат постида сабабсиз бўлмаган ҳолатлар аникланса, ҳар бир ҳолат юзасидан алоҳида, объектдаги «Ижрочи» хизмати раҳбари иштирокида далолатнома тузилади ва зарурӣ тақдимнома билан тегишили чора қўриш учун Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошкармаси Шайхонтохур ва Яшнабод туман қўриқлаш бўлимлари раҳбариятига юборилади.

Сафдор-ходимнинг хизмат постида сабабсиз бўлмаганлиги тасдиқланган тақдирда қўриқлаш ишлари талаб даражасида таъминланмаган деб топилади ва сафдор-ходимнинг постни қаровсиз қолдирган вакти учун тўловлар амалга оширилмайди.

4.3. «Буюртмачи»нинг объектларида қўриқлаш хизматининг масъул ходими, «Буюртмачи»да ўтказиладиган хизмат мажлисига алоҳида таклиф этилган тақдирда қатнашиши шарт. Таклиф этилган йигилишда қўриқлаш хизмати вакили сабабсиз қатнашмаган тақдирда, бу хақида Қўриқлаш бошкармаси Шайхонтохур ва Яшнабод туман қўриқлаш бўлимлари бошликлари номига тақдимнома юборилади.

4.4. Мазкур шартномада кўрсатилган сумманинг «Буюртмачи» томонидан ўз вактида тўланмаганлиги ҳолатида «Буюртмачи» «Ижрочи»га ҳар бир кечикирилган кун учун тўлов суммасининг 0,4% миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг миқдори кечикирилган тўлов суммасининг 50% ортиқ бўлиши мумкин эмас.

4.5. Агар «Ижрочи» шартномада белгиланган хизматларни ўз вактида ва тўлақонли бажармаса, ҳар бир кун учун ойлик тўловининг 0,4 % миқдорида аммо ойлик тўлов суммасининг 50 % дан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5. ФОРС - МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

5.1. Тарафларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолатлар (сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошқа табиий оғатлар, шунингдек тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳолатлар) содир бўлиши оқибатида шартномада кўрсатилган мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаса, тарафлар жавобгарликдан озод этилади.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ



6.1 Ушбу шартнома ҳар иккала томон раҳбарлари томонидан имзоланган кундан кучта киради ва 2022 йил 31-март кунига кадар ҳақиқий ҳисобланади.

Агар томонларнинг бир-бирига ўзаро даъволари бўлмаса ва шартномасининг

амал қилиш муддати тугашдан бир ой олдин ўзаро муносабатларни тўхтатиш борасида ҳоҳишлигини билдириласалар бундай ҳолда шартнома муддати сўнги календарь йил муддатига узайтирилган деб ҳисобланади.

6.2. Мазкур шартномага ўзгартиришлар фақат ҳар иккала томон раҳбарларининг ёзма розилиги билан киритилиши мумкин.

6.3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан «Буюртмачи»ни ёки «Ижрочи»ни қайта ташкил этиш билан боғлик маҳсус қарор қабул килинса, томонлар янги шартнома тузилгунга қадар, мазкур шартномага имкон берадиган шарт (бундай ҳолатда «Ижрочи» ишларини молиявий таъминлаштиришни керак),

6.4. Мазкур шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, тарафлар Ўзбекистон Республикасининг Юридик бўлимида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади

Узбекистон Республикасининг «Хўжалик шартномаси имкон берадиган шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисидаги таъминлаштиришни молиявий таъминлаштиришни керак»,
Молиявий таъминлаштиришни молиявий таъминлаш жараённи Узбекистон Республикаси телерадиокомпаниясининг Юридик бўлимида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади
Бўлимида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади
Онинг Қонуқлиги № 10
Молиявий таъминлаштиришни молиявий таъминлаштиришни керак
регистрация № 413 «5» оғоз 2022-йил

6.5. Тоифаланган обьектлар Йўриқномасининг 9-иловасига мувофиқ «Ижрочи» билан келишилиб тасдиқланган ички режимни тартибга солувчи Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси обьектлари худудига кириш, чиқиш ва ички режим, бинолар ва худудни қўриқлашни ташкил этишга оид «Йўриқнома» ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛГОХЛАРИ ВА БАНКДАГИ ХИСОБ РАҶАМЛАРИ.

«Ижрочи»

Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси
Тошкент-17, Марказ-4, Кашкар мавзеси,
3-йй.

Хисоб рақами 21596000300447995001.
Ўзбекистон Республикаси Марказий
Банки Бош Бошқармаси
Хисоб – китоб касса маркази
ФАА 00014 СТИР 202628856

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси КББ Тошкент шаҳар
Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи

К.А.Шодибеков

2022 йил «___»



Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш
бошқармаси МИБ бошлиғи

Н.Н.Рўзибоев

2022 йил «___»



«Буюртмачи»

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси
Тошкент шаҳар Навоий кўчаси, 69 уй
Телефон: 214-89-33, 214-89-36
Шрҳ: 100 010 860 262 777 084 200 137 003
Ташвишотини СТИР 200 935 548 ишут 84111
Газничлих агентлий бошлиғи
ЯРХ: 23 402 000 300 100 001 010
Марказий банкинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси
Хисоб-китоб касса маркази (ХККМ) МФО: 00014
Газничлих бўнимасини СТИР 201 122 919

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раиси

А.Д.Хадижев
2022 йил «___»



Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Молия
иқтисод бошқармаси бошлиғи

О.А.Рахматов

2022 йил «___»

Ўзбекистон МТРК тоифаланган обьектлар хавфсизлигини
таъминлаш бўлими бошлиғи

Р.В.Баймухаммедов

2022 йил «___»



“ТАСДИКЛАЙМАН”
 Ўзбекистон Республикаси Миллий
 гвардияси КББ Тошкент шаҳар
 Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи



Қ.А.Шодибеков

2022

“РОЗИМАН”
 Миллий

Ўзбекистон
 телерадиокомпанияси раиси



А.Д.Хаджаев

2022 йил «___»

**Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси иншоатини қўриқлашда
 хизмат қилаётган Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Шайхонтохур ва
 Яшнабод туман қўриқлаш бўлимлари ходимларини моддий таъминлаш
 бўйича тузилган
 ХИСОБ-ВАРАҚАСИ
 2022 йил 1 январдан**

Қўриқлангаётган объектлар	Пост сони	Қўриқлаш вакти	Бир ойлик Қўриқлаш вакти	Қўриқла ш пост/соат нархи	Жами
МТРК (тоифаланмаган)	4	24	730	58304	170 247 680,00
Республика телерадиомаркази ДМ (8 та тоифаланган, 1 та тоифаланмаган)	6 1 1 1	24 12 8 24	730 365 243,3 730	88469 88469 88469 58304	387 494 220,00 32 291 185,00 21 524 507,70 42 561 920,00
Тошкент Радио эшиттириш уйи (тоифаланган)	5	24	730	88469	322 911 850,00
Ўзбекистон МТРК Медиа маркази ДМ	5 1	24 12	730 365	88469	322 911 850,00 32 291 185,00
Жами					1 332 234 397,70

Жами: Бир миллиард уч юз ўттиз икки миллион иккӣ юз ўттиз тўрт минг уч юз тўқсон етти сўм-70 тийин “ККС сиз”

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
 Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси МИБ
 бошлиғи**

Н.Н.Рўзибоев

2022 йил «___»

Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 мартағи ПҚ-5029 сонли
 Қарори хамда 17 августдаги ПФ-6279 сонли Фармони.

ЮРИДИК ХУЛОСА

4/з сон 05.01.2022 йил

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг тоифаланган ҳамда тоифаланмаган объектларини Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси Тошкент шаҳар
Қўриқлаш бошқармасининг 1-алоҳида батальони
шахсий таркиби билан қўриқлаш тўғрисида
05.01.2022 йилдаги 10344-м-сон шартнома бўйича

Бажарувчи: Ўзбекистон Республикаси миллий гвардияси Тошкент шаҳар
Қўриқлаш бошқармаси.

Буюртмачи: Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси.

Предмети: Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига ва унинг муассасаларига тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 69-й ва «Respublika teleradiomarkazi» ДМ, Яшнобод тумани, Тараққиёт кўчаси, 49-й «O'zbekiston MTRK Mediemarkazi» ДМ муассасаларига тегишли бўлган Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси, 2-й манзилларига қарашли худудлар, шунингдек ушбу ҳудудларда жойлашган барча бино объектларни қўриқловга олиш ва мудофаасини амалга ошириш учун объектларда жами 16 та 24 соатлик, 2 та 12 соатлик ва 1 та 8 соатлик тоифаланган, 5 та тоифаланмаган (хаммаси бўлиб 24 та) сафдор-ходим пости билан қўриқлаш.

Умумий суммаси: шартноманинг умумий суммаси 2022 йилнинг 1 январидан 31 марта гача 3 996 703 193,10 (уч миллиард тўқиз юз тўқсон олти миллион етти юз уч минг бир юз тўқсон уч сўм 10 тийин) сўмни ташкил қиласди.

Амал қилиш муддати: шартнома 2022 йилнинг 31 марта гача амал қиласди.

Ҳисоб-китоб қилиш тартиби: пул ўтказиш йўли билан (жорий ой учун тўловни ойлик тўловнинг 100 фоизи миқдорида аванс тўлаш тартибида).

Тарафларнинг жавобгарлиги: шартномада кўрсатилган тартибда.

Низоларни ҳал этиш тартиби : шартномада кўрсатилган тартибда.

Хулоса: шартнома Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига мувофиқ тузилган.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг
Юридик бўлими бош мутахассиси  Ю. Матвелиева